

" ТАСДИҚЛАЙМАН "

Марғилон шаҳар ҳокимининг ўринбосари,
оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи
"Аёллар дафтари" жамғармаси
васийлик кенгаши раиси



Г.Жўрабосва

" 03 " июнь 2022 йил

Марғилон шаҳри

"Аёллар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳисобидан 83 нафар хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш учун парранда сотиб олиш бўйича техник хизмат кўрсатиш шартлари

I. "Аёллар дафтари"га киритилган 83 нафар хотин-қизларни ўзини ўзи банд қилиш учун парранда сотиб олиш

| № | Асосий маълумотлар | Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни |
|---|--|--|
| 1 | Буюртмачи ҳақида маълумотлар | Номи: Марғилон шаҳар ҳокимлиги Манзил: Янги боғ МФЙ, Мустақиллик кўчаси 448 а-уй Телефон: + 99891-680-7558 |
| 2 | Асос | Халқ депутатлари Марғилон шаҳар кенгашининг 03.06.2022 йилдаги № VI-53-59-11-168-К/22-сонли қарори |
| 3 | Товар (иш, хизмат)лар ҳақида тўлиқ маълумотлар | Парранда (Товуқ, ёши 3-4 ойлик, соғлом, вакцинация қилинган) |
| 4 | Хизматлар рўйхати | Етказиб берувчига товар (иш, хизмат)лар ҳақида маълумот бериш. Шартнома шартларига ва миқдорнинг талабига мувофиқ ишлаш ва кафолат муддати бериш. Буюртмачига шартнома мажбуриятлари ҳақида маълумот бериш |
| 5 | Молиялаштириш манбаси | "Аёллар дафтари" жамғармаси |
| 6 | Хизмат кўрсатиш шартлари | Товар (иш, хизмат)ларни тақдим этиш ва уни шартнома бўйича белгиланган муддатдан кечиктирмасдан ўрнатиш, амалдаги техник шартларга мувофиқ хизматларни самарали тақдим этиш. |
| 7 | Танлов иштирокчиларига қўйиладиган асосий талаблар | 1) Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган бўлиши; 2) Шартнома тузиш учун ҳуқуқий ваколат; 3) Охириги 5 (беш) йил давомида камида 300 млн. сўмлик бюджетли шартномаларнинг нусхалари тақдим этиши, камида 5 (беш) шартнома муваффақиятли бажарилиши учун шартноманинг мавжудлиги; 4) Товар (иш, хизмат)ларни олиб келиш вақтида сертификатларнинг мавжудлиги. |
| 8 | Таклифни таъминлаш кафолати | 1) Танлов иштирокчиси қуйидаги тартиб бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" орқали савдога қўйилган эълон суммасининг 1% миқдоридagi закат тўловини амалга ошириши лозим: - иштирокчи ўз таклифини амал қилиш муддати давомида, депозит шаклида, нақд пулсиз шаклда миқдорнинг жорий ҳисобварағига ёки ОПТ баёнотида тасдиқланган миқдор фойдасига берилган банк кафолатига ўтказиш орқали кафолат бериши керак, 2) Танлов ғолибининг закат тўлови буюртмачи билан қонуний шартнома тузилгунга қадар буюртмачининг ихтиёрида бўлади. Шундан сўнг, етказиб берувчи шартнома шартларини бажариш орқали закат тўловини қайтариб олиши ёки қайта ҳисоб-китобқилиш мумкин. 3) Танлов ғолибининг закат тўлови қуйидаги ҳолларда қайтариб берилмайди: - Танлов ғолиби аниқланиб, лекин буюртмачи билан тегишли шартнома тузилмаган ёки имзоланмаган ҳолларда, - Таклиф бериш муддати тугаган вақтдан сўнг танлов ғолиби томонидан ўз таклифини қайтариб олган ҳолларда. |

| | | |
|----|--|--|
| 9 | Танлов иштирокчиларига қуйидаги холларда танловда иштирок этишга рухсат берилмайди | <p>1) Барча белгиланган талабларга жавоб бермаганда;</p> <p>2) Мижозлар билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажармаганда;</p> <p>3) Қайта ташкил этиш босқичида бўлганда;</p> <p>4) Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қарздорлик мавжуд бўлганда;</p> <p>5) Танловда иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим етмаганда;</p> <p>6) Буюртмачи билан судлашув бўлайтганда;</p> <p>7) Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри рўйхатдан топилганда;</p> <p>8) Етказиб берувчилар ва бюджет ташкилотларидан муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлганда.</p> |
| 10 | Хизматларнинг сифат кафолатлари доирасига қўйиладиган талаблар | <p>1) Товар (иш, хизмат)ларни ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш;</p> <p>2) Зарур бўлганда, тегишли малакали мутахассисларни жалб қилиш;</p> <p>3) Товар (иш, хизмат)лар етказиб берилгандан сўнг, буюртмачига керакли ҳужжатларни тўлиқ тўпламини тақдим этиш;</p> <p>4) Буюртмачи томонидан ошқор қилинган маълумотларнинг махфийлиги, шунингдек барча материаллар ва тахлилий маълумотлар, режалар, графикалар, жадваллар ва хизматларни тақдим этишда тузилган ва/ёки ишлатилган бошқа матнли ва график материалларнинг махфийлигини сир сақлаш;</p> <p>5) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинадиган хизматлар кўрсатиш тартиби ва шартларига риоя қилиш.</p> |

II. Нарх қисми

| | | |
|---|---|--------------------|
| 1 | Тўлов шартлари | Олдиндан 30% тўлов |
| 2 | Тўлов пул бирлиги | Ўзбек сўмида |
| 3 | Таклифнинг амал қилиш муддати | 5 (беш) кун |
| 4 | Товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш муддати | 10 (ўн) кун |

III. Шартнома лойихаси

Танлов иштирокчиси товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш шартномасининг ўз версиясини (лойихасини) илова қилиш ҳуқуқига эга

Техник шартларни тайёрлади:

Харид қилиш бўйича маъсул ходим:



Б.Мирзахамидов

Ш.Абдурахмонов